

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ИШОНЧЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДАН МАНФААТДОР

Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммитида иштирок этди.



Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси Шайх Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд раислигида утган тadbирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов, Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири Шайх Муҳаммад бин

Рошид Ол Мактум, Кувайт Давлати Амири ўринбосари, Валиаҳди шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ, Умон Султонлиги Бош вазири ўринбосари Шайх Асад бин Торик ал-Саид, Баҳрайн Подшоҳининг махсус вакили Шайх Носир бин Ҳамад Ал Халифа ҳамда Кенгаш бош котиби Жасим Муҳаммад ал-Будайвий ҳам қатнашди. Кун тартибига мувофиқ, конструктив сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-

гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди. Президентимиз ўз нутқида Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақаси халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи узоқ эканини, яқин савдо алоқалари, муштарак қадрият ва анъаналар, муқаддас ислом динимиз уларнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Мовароуннаҳр ва Арабистон диёрлари ўртасидаги тарихий алоқаларни ривожлантиришда буюк мутафаккир ва аллома боболаримизнинг беқиёс хизматлари борлиги қайд этилди. “Барча муҳаддисларнинг пешвоси” — улўғ аллома Имом Бухорий ана шундай сиймолардан биридир. — Мусулмон дунёсидаги олпита буюк муҳаддиснинг икки нафари минтақамизда туғилиб камол топгани, қадимий Бухоро эса “Қуббатул Исло” номи билан шуҳрат қозонганидан

гурурланамиз. Маълумки, тўққизинчи аср бошида Аббосийлар давлатининг пойтахтидаги “Донишмандлар уйи” академиясида Марказий осийлик 200 дан ортиқ алломалар илимий фаолият олиб борганлар. Мусо Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино каби улўғ алломаларимиз эса бебаҳо улўғ асарларини айнан гўзал ва мукаммал араб тилида яратиб, бутун дунёда шон-шуҳрат қозонганлар, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Ҳозирги вазиятга баҳо берар экан, мамлакатимиз етакчиси бугунги хавф-хатарларга қарамай, иккала минтақа ҳам тинчлик, барқарорлик ва тарақиёт макони бўлиб келаётганини таъкидлади. Айни пайтда Марказий Осиё ва Кўрфаз давлатлари бир-бирларига ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарамоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жидда шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммитида иштирок этди. Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим! Мухтарам делегациялар раҳбарлари! Ҳурматли Бош котиб жаноблари! Барчангизни бугун “Кўрфаз араб давлатлари – Марказий Осиё” олий даражадаги биринчи саммитида қўриб турганимдан гоъят мамнунман. Муътабар бўлган Маканинг рамзий дарвозаси — гўзал ва бетакрор Жидда шаҳридаги тарихий учрашувимизни анчадан бери кутаётган эдик. Ушбу нуфузли анжуманимизни ўтказиш ташаббуси билан чиққани ҳамда тadbир юксак савияда ташкил этилгани учун Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Аъло Ҳазратлари ҳамда Валиаҳд, Вазирлар Маҳкамаси раиси, биродаримиз Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд Ҳазрати Олийлари номларига билдирилаётган миннатдорлик сўзларига қўшиламан. Ҳурматли саммит иштирокчилари! Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақаси халқларини азалдан яқин савдо алоқалари, муштарак

қадрият ва урф-одатлар, энг муҳими, муқаддас ислом динимиз чамбарчас боғлаб туради. Мовароуннаҳр ва Арабистон диёрлари ўртасидаги тарихий алоқаларни ривожлантиришда буюк мутафаккир ва аллома боболаримизнинг беқиёс хизматлари борлигини фахр билан эслаймиз. “Барча муҳаддисларнинг пешвоси” — улўғ аллома Имом Бухорий ана шундай сиймолардан биридир. Мусулмон дунёсидаги олпита буюк муҳаддиснинг икки нафари минтақамизда туғилиб камол топгани, қадимий Бухоро эса “Қуббатул Исло” номи билан шуҳрат қозонганидан гурурланамиз. Маълумки, тўққизинчи аср бошида Аббосийлар давлати пойтахтидаги “Донишмандлар уйи” деб ном олган академияда Марказий осийлик 200 дан ортиқ алломалар илимий фаолият олиб борганлар. Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино каби улўғ алломаларимиз эса бебаҳо улўғ асарларини айнан гўзал ва мукаммал араб тилида яратиб, бутун дунёда шон-шуҳрат қозонганлар.

Ҳозирда пойтахтимизда сақланаётган муқаддас Мусхафи шариф — Усмон Қуръони улқамиз ва араб диёрлари ўртасидаги алоқалар қадимий ва теран илдизларга эга эканидан далоят беради. Бу каби ибратли мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Биз бундай буюк умумий тарихимиз ва меросимиз замонавий муносабатларимизга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши учун барча кучимизни сафарбар этишга тайёремиз. Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Атрофдаги хавф-хатарларга қарамай, минтақаларимиз тинчлик, барқарорлик ва тарақиёт макони бўлиб келмоқда. Улкан иқтисодий, табиий ва интеллектуал ресурсларга эга бўлган Кўрфаз давлатларининг глобал барқарорлик ва энергетик хавфсизликни таъминлашдаги ўрни беқиёсдир. Айни пайтда Марказий Осиё ва Кўрфаз давлатлари бир-бирларига ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарамоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Кўрфаз мамлакатлари билан алоқалари янги босқичга кўтарилганини мамнуният билан таъкидлайман. Бугунги кунда юртимизда етакчи компания ва банкларнинг билан амалга оширилаётган умумий лойиҳалар портфели 20 миллиард доллардан ортиди. Ижобий тажрибаларимиздан келиб чиқиб, минтақаларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни қуйидаги йўналишларда кенгайтиришни тақлиф этаймиз. Биринчидан. Биз сиёсий соҳада кенг қамровли алоқаларни турли форматларда ривожлантириш тарафдоримиз. Биродар давлатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштириш мақсадида келгусида кўп томонлама Дўстлик, минтақаларо боғлиқлик ва ҳамкорлик битимини ишлаб чиқиш масаласини биргаликда ўргансак, маъқул бўлар эди. Иккинчи йўналиш — юқори технологиялар ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликдир.

Биз инновациялар, “сунъий” интеллект, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, “ақлли” кишлоқ хўжалиги, нано- ва биотехнологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратилиши керак. Шу муносабат билан, мамлакатларимиз бизнес вакиллари иштирокида Қўшма инвесторлар кенгашини таъсис этишни ва унинг дастлабки йиғилишини Самарқандда ўтказишни тақлиф этаман. Минтақамизда Кўрфаздаги ҳамкорларимиз билан тузилган инвестиция фондлари салоҳиятидан умумий фойдаланиш ва етакчи банкларнинг фаолиятини кенгайтириш истагидамиз. Шунингдек, “яшил” энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш мақсадида алоҳида “Йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳим, деб ҳисоблайман.

Давоми 2-бетда

Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади. Мана шундай улўғ эътиқод билан яшаётган халққа раҳбар бўлиб, уни ёруғ манзиллар сари бошлаш мен учун улкан бахт, улкан шарафдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ САОДАТ АСРИ ОСТОНАСИДА

Янги таҳрирдаги Конституцияимизни қабул қилиш учун ўтказилган референдумда халқимиз дахлдорлик, миллий бирлик, сиёсий маданиятнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Президент сайлови эса бу дахлдорликни янада оширди. Референдум ва сайлов дунё тан олган экспертлар гувоҳлигида демократик синовдан ўтди.

Ўтган сайловда тўрт номзоднинг Сайловолди дастури майдонга чиқди. Халқимиз ўз тақдирини, келажagini кимга ишоншини очик айтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон халқимиз билан биргаликда қурамиз” деб номланган Сайловолди дастури мутлақ ғалаба қилди.

Сайлов натижалари эълон қилинган куннинг эртаси — 11 июль. Биринчилардан бўлиб АҚШ Ўзбекистон Президентининг ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашини эълон қилди. Баёнотда халқимизнинг сайловдаги иштироки, ўз етакчисига муҳаббати, ишончи юксак баҳоланди.

Яна бир кун ўтди — 12 июль. Европа Иттифоқи Ўзбекистонни демократик ислохотларни амалга оширишда қўллаб-қувватлашини эълон қилди. Баёнотда эътироф, эҳтиром руҳи устувор бўлди. Ҳа, айнан шундай. “Ўзбекистонда 30 апрель кунини янги Конституция бўйича ўтказилган умумхалқ референдумидан кейинги бўлиб ўтган сайлов, — дейилади унда, — Президент Мирзиёев ва ислохотлар яққол қўллаб-қувватланганини кўрсатди. ЕИ Ўзбекистонни демократик ислохотларга қаратилган саясий-ҳаракатларида қўллаб-қувватлашга содиқ қолади”.

Давоми 3-бетда

## ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

### “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ” СТРАТЕГИК МУЛОҚОТИ

### МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЎЗАРО МУҲИМ МАНФААТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль кунини Жидда шаҳрида (Саудия Арабистони) “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” (КАДХК) форматидаги биринчи саммитда иштирок этди. Ушбу тadbир халқаро экспертлар ва оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлди. Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида янги муҳим ташаббусларни илгариси сурди, уларнинг амалга оширилиши минтақаларо ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланғичи 1-бетда

Бугунги кунда мамлакатимизда ACWA Power, Masdar, Mubadala, TACA, Nebras Power каби етакчи компаниялар билан умумий қуввати 15 гигаваттдан ортиқ қуёв ва шамол станцияларини барпо этиш ҳамда энергияни сақлаш лойиҳаларини амалга оширишмоқдамиз.

Келгуси ойда Саудия Арабистони билан “яшил” водородни ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳага тал-мал тошини қўямиз.

Учинчи йўналиш — савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш.

Кўрфаз давлатлари билан эркин савдо режимини жорий этиш, техник регламентларни уйғунлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш долзарбдир.

Бу борада кўп томонлама Савдо битимини қабул қилиш масаласини экспертларимиз ишлаб чиқиши лозим.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун Кўрфаз давлатларига органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш механизмларини татбиқ этишга тайёрмиз.

Транспорт ва транзит соҳасида Ўрта транспорт коридоридан энг мақбул тарифларни қўллаш, мавжуд мультимодал йўлақлардан кенг фойдаланиш ва тўғридан-тўғри авиақатновларни мақсадли субсидиялаш ёрдамида кўпайтиришни тақдир этаман.

Кўрфаз давлатларини энг яқин ва қулай йўл орқали минтақамиз билан боғлайдиган Транс-Афрон темир йўлини қуриш стратегик лойиҳасида сизларни фаол иштирок этишга чорлаб қоламан.

Ушбу йўл транспорт харажатлари ва юкларни етказиб бериш муддатларини икки баробарга қисқартириш имконини беради.

Бу йўналишларда аниқ тақлифлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсадида савдо ва транспорт вазирларимизнинг мунтазам мулоқотини йўлга қўйиш умумий манфаатларимизга хизмат қилади.

Кейинги муҳим йўналиш — экология ва иқлим ўзгаришлари масаласи. Глобал Иқлим саммити бу йил Дубайда бўлиб ўтиши Кўрфаз давлатларининг мақдур йўналишида эришаётган ютуқлари халқаро эътибордир.

Шунингдек, Саудия Арабистонининг “Яқин Шарқ яшил ташаббуси” минтақа экологик тизимини тубдан яхшилашга салмоқли ҳисса қўшаётгани таҳсинга сазовордир.

Юртимизда очилаётган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизда биргаликда халқаро тадқиқотлар дастурини тайёрлаш гоимизини маъқуллашга қаратилган, деб ишонаман.

Этиборингизни бешчинчи йўналиш — туризм соҳасига қаратмоқчиман. Кўрфаздан сайёҳлар сонини кўпайтириш мақсадида биз бу давлатлар аҳолисига визасиз тартибни жорий этганмиз.

“Кўрфаз — Марказий Осиё” ягона визасиз сайёҳлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий

кластерларни яратиш, қўшма туристик маҳсулотларни кўпайтириш аниқ муддао бўлар эди.

Бундан ташқари, минтақаларимиз етакчи сайёҳлик операторлари форумини 2024 йилда Ислом дунёси туризм пойтахти, деб эълон қилинган Хива шаҳрида ўтказишни тақдир этаман.

Гуманитар йўналишда давлатларимизда миллий маданият ҳафталикларини, маданий мерос кўргазмаларини ташкил этиш орқали биродар халқларимизни янада яқинлаштирган бўлар эдик.

Хозир Ўзбекистонда юз мингдан зиёд нодир қўлёмалар сақланмоқда. Бу борада Умон Султонлиги кўмагида пойтахтимизда йирик лойиҳа амалга оширилганини биз миннатдорлик билан таъкидлаётимиз.

Хурматли анжуман катнашчилари! Биз дунёда кузатилаётган илмомофобия ҳолатлари билан биргаликда курашишимиз ва бу борада Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида амалий қадамлар кўйишимиз керак.

Умуман олганда ушбу ташкилотнинг масъулияти ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Терроризм, экстремизм, радикализм ва наркотрафикка қарши курашиш, ёшларимизни бу каби хавф-хатарлар Интернет ва бошқа воситалар орқали тарқалишидан асраш борасида алоқаларимизни кучайтиришни давронинг ўзи талаб қилмоқда.

Диққатингизни Афғонистон муаммосига қаратишни истар эдим. Бу юртда тинчлик ўрнатмасдан, нафақат минтақамиз, балки глобал хавфсизликни ҳам таъминлаш мумкин эмас.

Шу маънода, Қатар ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ташаббуси билан май ойида Доҳада ўтказилган махсус вакиллар илк учрашувлари натижаларини ижобий баҳолаймиз.

Умуман олганда, бизнинг минтақаларимиз ташаббускор бўлиб, катта-катта минбарлардан Афғонистон муаммоларига бутун дунё эътиборини жалб этишимиз, афғон халқи ҳаётини энгил қилишга муносиб ҳисса қўйишимиз керак.

Муҳтарам саммит иштирокчилари! Бугунги мулоқотимиз, билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлар алоқаларимизнинг катта салоҳиятини кўрсатди.

Минтақаларимиз энди учрашмоқда ва катта ҳамкорлик эшигини очмоқда. Бунинг учун биродаримиз Валиахд Муҳаммад Ол Сауд Ҳазрати Олийларига яна бир бор алоҳида ташаккур айтаман.

Бу каби очик ва самарали учрашувларни изчил давом эттириш учун навбатдаги саммитимизни Ўзбекистонда ўтказишни тақдир қиламан.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги тарихий саммитимиз натижалари Кўрфаз ва Марказий Осиё минтақалари ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ИШОНЧЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДАН МАНФААТДОР

Бошланғичи 1-бетда

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Кўрфаз мамлакатлари билан алоқалари янги босқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, минтақаларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни бир қатор йўналишларда кенгайтириш тақдир қилинди.

Сиёсий соҳада, Ўзбекистон раҳбари кенг қамровли ҳамкорликни турли форматларда ривожлантириш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Биродар давлатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштириш мақсадида келгусида кўп томонлама Дўстлик, минтақаларо боғлиқлик ва ҳамкорлик битимини ишлаб чиқиш масаласини ўрганиш тақдир қилинди.

Иккинчи йўналиш — юқори технологиялар ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик. Давлатимиз раҳбари инновациялар, “сунъий” интеллект, “яшил” иқтисодийёт, рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, нано- ва биотехнологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратиш зарурлигини қайд этди.

Бизнинг вақтинчалик иштирокчилари Кўшма инвесторлар кенгашини таъсис этиш ва унинг дастлабки ййгилишини Самарқандда ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

— Минтақамизда Кўрфаздаги ҳамкорлар томонидан ташкил этилган инвестиция фондинининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва етакчи банклар фаолиятини кенгайтиришдан манфаатдормиз. Шунингдек, “яшил” энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш мақсадида алоҳида “Йул харитаси”ни қабул қилиш муҳим, деб ҳисоблайман, — деди Ўзбекистон Президенти.

Учинчи йўналиш савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтиришдан иборат. Давлатимиз раҳбари Кўрфаз давлатлари билан эркин савдо режимини жорий этиш, техник регламентларни уйғунлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шу муносабат билан кўп томонлама Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини ишлаб чиқиш тақдир қилинди.

Транспорт ва транзит соҳасида Ўрта транспорт коридоридан энг мақбул тарифларни қўллаш, Афғонистон орқали мавжуд мультимодал йўлақлардан кенг фойдаланиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни мақсадли субсидиялаш ёрдамида кўпайтириш тақдир қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорларни Кўрфаз давлатларини энг яқин ва қулай йўл

орқали минтақамиз билан боғлайдиган Транс-Афрон темир йўлини қуриш стратегик лойиҳасида фаол иштирок этишга чакирди.

Навбатдаги муҳим йўналиш — экология ва иқлим ўзгариши масалалари. Юртимизда очилаётган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизда биргаликда халқаро тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Иштирокчиларнинг эътибори бешчинчи йўналиш — туризм соҳасига қаратилди. “Кўрфаз — Марказий Осиё” ягона визасиз сайёҳлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий кластерларни яратиш, қўшма туристик маҳсулотларни кўпайтириш ҳамда 2024 йилда Ислом дунёси туризм пойтахти, деб эълон қилинган Хива шаҳрида минтақаларимиз етакчи сайёҳлик операторлари форумини ўтказиш тақдир қилинди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида дунёда кузатилаётган илмомофобия ҳолатларига қарши биргаликда курашиш масаласига алоҳида тўхталинди.

Бундан ташқари, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш соҳасида, шунингдек, бундай таҳдидларнинг Интернет ва бошқа воситалар орқали тарқалишидан ёшларни ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Афғонистонда тинчликка эришиш масалаларига тўхталиб ўтди.

— Бизнинг минтақаларимиз ташаббускор бўлиб, катта-катта минбарлардан Афғонистон муаммоларига бутун дунё эътиборини жалб этишимиз, афғон халқининг ҳаётини энгил қилишга муносиб ҳисса қўйишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Сўзининг якунида Президентимиз бугунги тарихий саммит натижалари албатта Кўрфаз ва Марказий Осиё минтақалари ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ййгилиш якунида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Саммит иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги навбатдаги олий даражадаги учрашуви Самарқанд шаҳрида ўтказиш тақдир қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиахди

Бош вазири Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашув ўтказди.

Валиахд давлатимиз раҳбарини бўлиб ўтган Президент сайловиданг ишончли ғалабаси билан дилдан қулай, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилади.

Мамлакатимиз етакчиси, Ўз навбатиде, Саудия Арабистони раҳбариятига юртимиз фуқаролари ҳаж ва умра амалларини адо этишларига яратилган шароитлар учун самимий миннатдорлик билдирди.

Музокараларда Ўзбекистон — Саудия муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашган мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йилнинг август ойида бўлиб ўтган икки томонлама саммит давомида қабул қилинган битим ва келишувларни сўзсиз амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Жорий йил бошдан товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга, қўшма корхоналар сони икки баробарга ошди. Етакчи Aswa Power компанияси иштирокчида “яшил” энергетикада муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

Жорий йил бошдан товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга, қўшма корхоналар сони икки баробарга ошди. Етакчи Aswa Power компанияси иштирокчида “яшил” энергетикада муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

Учрашувда халқаро сиекат масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлат раҳбари лавозимига сайланган кейин илк хорижий таширф билан Саудия Арабистониде бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муқаддас Макка шаҳрига борди.

19 июль — ислом оламида бошланган ҳижрий 1445 йил муҳаррам ойининг биринчи куниде давлатимиз раҳбари эҳромга кириб, умра амалларини бажарди.

Каъбатуллоҳнинг ичиде намоз ўқиш шарофига муяссар бўлди.

Шавкат Мирзиёев динимиз арконларига мувофиқ Байтуллоҳ атрофида етти бор таовф, Сафо ва Марва тепаликларни орасида етти та саъй қилди. Ватанимиз раванқи, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, барча юртдошларимиз, ёш авлодимиз бахту иқболи ва ёрқин келажагини тилаб дуолар қилинди.

Таъкидлаш жоизки, айнан шу куни Каъбанинг қисвасини алмаштириш маросими бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига амалий таширфи якунланди.

ЎЗА

# “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ” СТРАТЕГИК МУЛОҚОТИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЎЗАРО МУҲИМ МАНФААТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ



## ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

Бошланғичи 1-бетда

Экспертларнинг таъкидлашича, “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” биринчи саммитининг ўтказилиши халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорликка қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Маълумотларга кўра, минтақамиз давлатларининг умумий ялпи ички маҳсулоти сўнгги беш йилда 20 фоизга ўсиб, 340 миллиард доллардан ошди. Ушбу ижобий ўзгаришлар туфайли “Марказий Осиё +” формати янада долзарб бўлиб бормоқда.

### Игорь ШЕСТАКОВ, “Ой Ордо” экспертлик ташаббуслари марказининг директори (Қирғизистон):

— “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидеги биринчи саммит Ўзбекистон учун ҳам, бутун Марказий Осиё минтақаси учун ҳам муҳим аҳамият касб эттишга шубҳа йўқ. Етакчи араб мамлакатлари бир неча йиллардан буён минтақамиз давлатларига, биринчи навбатда, иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини соҳасида сармоявий кўмак кўрсатиб келмоқда.

Масалан, ҳозирги глобал иқтисодий инқирознинг авж олаётгани ҳисобга олинса, Марказий Осиё Қатар ва Саудия Арабистони учун таъши сиесатдаги устувор минтақа ҳисобланади аён бўлади. Бундай шароитда минтақамизда инвестицияларни, шу жумладан, араб сармояларини жалб қилиш орқали инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш нуктаи назардан эътиёб мавжуддир.

Янги таҳдидларни ҳисобга олганда, Яқин ва Ўрта Шарқ томон янги транспорт ва логистика йўналишларини очиб зарурати юзга келди. “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидеги лойиҳаларни амалга оширишда ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги ўрин, шубҳасиз, иқтисодий ривожланиш, тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни жалб қилиш ва ўз маҳсулотларини хорижага экспорт қилиш нуктаи назаридан энг фаол бўлаётган Ўзбекистонга тегишлидир.

Президентлик фаолиятининг бошиданоқ Марказий Осиё минтақасининг очкичилиги, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга таянган Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг халқаро дипломатик мулоқотининг юқори даражаси бой ва тўлов қобилиятига эга бўлган араб давлатлари билан мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш учун яхши имконият ҳисобланади.

Бу борада катта истиқбол очилмоқда, чунки араб мамлакатлари Марказий Осиё салоҳиятидан манфаатдордир. Бир томондан, бу ҳамаше, бошқа томондан, янги корхоналарнинг очилиши. Туризм соҳасини ҳам унутмаслигимиз керак, чунки Қирғизистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам араб мамлакатларидан келган сайёҳлар сони кескин кўпайганини куришимиз мумкин. Умуман олганда, ҳозирги геосиёсий воқеалик мамлакатларимизни Марказий Осиёнинг стратегик муҳим минтақага айлантиришга тайёр бўлган янги бозорлар ва янги инвесторларни қидириб топшига ундамоқда.

### Хесус ХИЛ, Мадрид автоном университети профессори, Испания шарқшунослар ассоциациясининг бош котиби (Испания):

— Ушбу саммит Марказий Осиё мамлакатлари ва Араб давлатлари ўртасидаги алоқаларни кўллаб-қувватлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун ўзига хос ва муҳим мулоқот майдони ҳисобланади.

Ўйлайманки, ушбу саммитнинг асосий мақсади ҳамкорликни тизимлаштириш ва Кўрфаз араб давлатлари томонидан Марказий Осиёда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳаларни бирлаштириш, уларга янада аҳамиятли кўриниш бағишлашдир.

Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” саммити доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича илгари сурилаётган ташаббуслар аниқ пайтда жуда долзарб ва амалий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш зарур деб ўйлайман.

Сўнгги беш йилда Ўзбекистон араб дунёси мамлакатлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди, бунга ўзаро таширфлар (Саудия Арабистони, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари) натижалари тасдиқлайди.

Шу боис, Ўзбекистоннинг таъши сиесатидеги тўз ўзгаришлар, “очик эшиклар” сиесати шароитида, шунингдек, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш мақсади нуктаи назаридан мулоқотнинг ушбу формати ҳам миллий, ҳам минтақавий

### Руди ФАНГ, Ўзбекистон — Сингапур туризмни ривожлантириш маркази раҳбари, “CASEA” Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё бизнес-палатаси бош директори:

— Дастлаб Ўзбекистоннинг “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” (КАДҲК) стратегик мулоқотини муваффақиятли иштирокчи чукўр оптимизм билан қаршиладим.

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ўзининг мустаҳкам минтақавий бйрилиги ва улкан иқтисодий салоҳияти билан Марказий Осиё учун қимматли ҳамкор ҳисобланади. Ушбу ташкилот

манфаатларини илгари суриш учун ажойиб имконият яратишига аминман.

Яна шунини таъкидлашни истардимки, бугунги кунда дунё мисли кўрилмаган сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бир пайтда Ўзбекистон ва араб дунёси ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бизнес тузилмалари билан янги алоқаларни, инвестиция, савдо ва логистика соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро платформаларда бир неча бор таъкидлаганидек, таълим, соғлиқни сақлаш, иқлим, рақамли ва “яшил” технологиялар масалаларини қамраб олиши мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, минтақавий даражадаги муносабатлар ҳақида гапирадиган бўлсак, шунини таъкидлашни истардимки, Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари жүрғуфий жойлашуви билан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги боғловчи бўлган ҳисобланадики, бу ҳар доим ушбу минтақалар мамлакатларига халқаро сиесатда муҳим роль ўйнаш имконини берган.

Шу билан бирга, стратегик, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида тобора кўпайиб бораётган минтақаларо масалалар муайян даражада Кўрфаз араб давлатлари манфаатларига бевосита ёки билвосита таъсирини кўрсатади.

дунёдаги етакчи молиявий марказлардан ва йирик углеводород етказиб берувчилардан бири экани ушбу иттифоқнинг аҳамиятини янада оширади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар интеграциянинг аниқ фойдаланган мақсадлари КАДҲКни Марказий Осиёдаги ушбу муҳим соҳаларни ривожлантиришда самарали ҳамкорга айлантиради.

Ўзбекистон учун мазкур саммит мисли кўрилмаган имкониятдир. Бу нафа-

### Александр ТУМАРКИН, Шарқ тиллари ва маданиятлари миллий институтининг (INALCO) Евроосиё тадқиқотлари кафедраси профессори (Франция):

— Тўлиқ ишонч билан таъкидлаш мумкинки, мамлакатимиз раҳбариятининг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли бугунги кунга келиб, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрни сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидеги биринчи саммитидаги иштироки ва илгари сурган ташаббуслари бунинг ёрқин далили бўлди.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида мамлакатлар ўртасида фаол ҳамкорлик жараёни, муносабатлар географиясини янада диверсификациялаш, жумладан, нафақат Европа ва Осиё қитъалари, балки араб дунёси мамлакатлари билан ҳам алоқаларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ушбу формат минтақада ҳамкорликни чуқурлаштириш учун қулай муҳит яратиш мақсадида КАДҲК давлатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мазкур саммит доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бош-

қа долзарб соҳалардаги ҳамкорлик масалаларининг муҳокама этилиши иштирокчи давлатлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Айтиш жоизки, Марказий Осиё ва араб давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражада ҳақиқатан сезиларли суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон аниқ пайтда КАДҲКга аъзо давлатлар билан барча соҳаларда алоқаларни фаол ривожлантиришмоқда. Фаол сиёсий алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш, энергетика, газ-кўмме саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, логистика, туризм ва бошқа соҳаларда йирик сармоявий лойиҳалар бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Маънавияти кучли халқ янги, кучли Ўзбекистонни яратди. Президент олға сурган "Мақсадимиз — бири!" деган шарафли шiorга содиқ бўлсак, 2030 йилда ҳаммамиз, албатта, янги Ўзбекистонда яшаймиз. Бу Ўзбекистон халқи учун саодат асрининг бошланиши бўлади.



САОДАТ АСРИ ОСТОНАСИДА



Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бета

Хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, машҳур сиёсат ва жамоат арбоблари, етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан самимий қўлловлар келди. Уларда янги Ўзбекистон учун қилинган машаққатли меҳнат, ислохот натижаларининг эътирофи бор. 2023-2030 йилларда амалга оширилажак ғалиб дастурга ишонч бор.

БУЮК МАҚСАД

Давлатимиз раҳбарининг тантанали маросимда сўзлаган дастурий нутқида ижтимоий давлат руҳи уффуриб турибди. Бошқача айтганда, янги Ўзбекистон Конституциясида муҳрланган "Ижтимоий давлат", яъни халқпарвар, меҳрибон давлатнинг афзаллиги, миллий қалби, гузаллиги, ўзбекона ғайиз яққол кўринди. Нутқда "халқ", "халқим", "халқимиз" сўзлари 37 марта, "биз" сўзи 40 марта таъкидланди. Уларни эшитган ҳар бир ватандошимиз юксак самимиятни, халқимизга фарзандлик меҳрининг иссиқ тафтини сезди.

Нутқда халқимизнинг ҳар бир ёш, касбий, ижтимоий тоифаси алоҳида-алоҳида тилга олинди. Ҳар бирига меҳрли мурожаат, миннатдорлик ихроқ қилинди. "Шаҳар, қишлоқ ва овуллариимиз аҳолиси", "маҳалла фаоллари", "азиз қадрдонлар", "дауғуй отахон ва онахонларимиз", "азиз фахрийларимиз", "суоқли ўғил-қизлар", "азамат ака-укаларимиз", "меҳрибон опа-сингилларимиз", "азму шижоатли ёшларимиз", "ишчи-хизматчилар", "тадбиркор ва фермерлар", "бунёдкор қурувчилар", "фидойи устоз ва мураббийлар", "илмфан, ижод ва санъат аҳли", "муҳтарам уламоларимиз", "тиббёт ходимлари", "жасур ҳарбийларимиз", "спортчиларимиз" бирма-бир тилга олинди. Айниқса, "Мард ва донишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан", деган дил ихорони Сенатдаги тантанали маросимда қатнашган, уйда, жамоат жойларида тўғридан-тўғри қўрган халқимиз гулдурос қарсақлар билан кутиб олди. "Юракдан сўз чиқарсанг, борар тўғри юракка", деган хикमत ҳақ.

Нутқ миллат нигоҳини эртанги кунга — янги Ўзбекистонга қаратди. Чунки "...кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониктирмайди. Янги давр учун янги гоё ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади".

Халқ ўзи сайлаган эъозли Президентининг буюк мақсадини эшитди. "Ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк мақсад — янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида сизлар билан, бутун халқимиз билан биргаликда ишлашга, бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этишга тайёрман", дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев тантанали инаугурация маросимда.

Мақсад нима? Мақсад — одамнинг бир ишни қилишига, бир манзилга етишига интилиши, одамнинг иш, йўл бошида қилган нијати, аҳду паймони. Гоё — шу мақсаднинг натижаси. Одамнинг иш бошидаги эмас, мақсадига етганидаги ҳолати тасвири. Масалан, "мен буғундан бошлаб инглиз тилини ўрганишга киришаман", дейиш мақсад. Узининг "инглиз тилида завок билан гаплашадиганини тасаввур қилиши, натижа инъикоси — гоё. Демак, юқоридаги фикрни "юксак мақсад", "юксак гоё" деб ифодаласа бўлади.

Халқ ўзи сайлаган эъозли Президентининг буюк мақсадини эшитди. "Ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк мақсад — янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида сизлар билан, бутун халқимиз билан биргаликда ишлашга, бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этишга тайёрман", дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев тантанали инаугурация маросимда.

Мақсад нима? Мақсад — одамнинг бир ишни қилишига, бир манзилга етишига интилиши, одамнинг иш, йўл бошида қилган нијати, аҳду паймони. Гоё — шу мақсаднинг натижаси. Одамнинг иш бошидаги эмас, мақсадига етганидаги ҳолати тасвири. Масалан, "мен буғундан бошлаб инглиз тилини ўрганишга киришаман", дейиш мақсад. Узининг "инглиз тилида завок билан гаплашадиганини тасаввур қилиши, натижа инъикоси — гоё. Демак, юқоридаги фикрни "юксак мақсад", "юксак гоё" деб ифодаласа бўлади.

"Янги Ўзбекистонни барпо қилишнинг ғоявий дастури"ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу дастур фидокорларнинг кўзини ёндирди. Янги Ўзбекистонни барпо қилишни ҳар бир Ўзбекистонликнинг виждон ишига айлантиради. Фидокорларни шарафлаб, бефарқ, масъулиятсизларни "уйғотиб", тўғри йўлга солади.

"Бизни — Ўзбекистоннинг фидойи фарзандларини Ватан мустақиллиги, эл-юрт манфаати каби юксак мақсад ва ғоялар бирлаштиради". Президентимиз нутқидан бу иқтисодда "Ватан мустақиллиги", "эл-юрт манфаати" жумлалари алоҳида урғуланган. Уларнинг ҳар бирига "юксак мақсад ва гоё" мақоми берилмоқда. "Ўзбекистоннинг фидойи фарзандлари"га улуғ бир умид, даъват бор. Демак "Ватан мустақиллиги", "эл-юрт манфаати" деган мақсад, ғояни англаганлар "БИЗ" дея "Янги Ўзбекистон" деган буюк қурилиш майдонига енг шимариб чиқади. Бирлашади. Бу бирлик Ватан мустақиллигини, эл-юрт манфаати устуворлигини абадий қуриқлайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАНДАЙ ДАВЛАТ БЎЛАДИ?

Президентимизнинг "Бўлиб ўтган Президент сайлови янги Ўзбекистон Конституцияси асосида ўтказилгани унга чинакам халқчил руҳ ва мазмун бағишлади. Ушбу сайловда халқимиз ўз хоши-иродасини эмин-эркин билдириб, янги Ўзбекистон учун овоз берди, деб айтишга барча асосларимиз бор", деган фикри Сайловдони дастури билан чамбарчас боғлиқ. Негаки, Сайловдони дастурида миллий озуларимиз, миллий ғоямиз, чин ўзбек орузи кўринди. Бу орузда "Янги Ўзбекистон қандай давлат бўлади?" деган саволга аниқ жавоблар бор. Янги Ўзбекистоннинг тасвири, модели бор. Мана:

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН бу — аввало, инсон қадри улуғланган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши учун барча имкониятлар яратилган мамлакатдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН бу — соғлом, билимли ва маънавий баркамол инсонлар юртидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН бу — глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодига эга бўлган давлатдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН бу — инсон ва бизнес манфаатлари адолатли қонулар асосида ҳимоя қилинадиган жамиятдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН бу — мамлакат ичкарисиди ёки хорижда бўладими, ватандошларимизни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қила оладиган, чегаралари ишончли қўриқланадиган, хавфсиз ва барқарор давлатдир.

Халқимиз мана шундай Ўзбекистонда яшаш учун овоз берди.

Бу оруз конституциявий асосда, умумхалқ сайловда легитимлашди. Президентимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этишда икки устун — кучли иқтисодиёт ва кучли маънавиятга

таянамиз, деган машҳур фикрларидан келиб чиқиб айтганда, юқоридаги 5 хусусиятга эга "Янги Ўзбекистон"ни барпо қилиш кучли иқтисодиёт ва кучли маънавиятнинг ишига айланади. Ғоявий таълимотлар нутқи назардан Ўзбекистон халқининг миллий орузига, миллий ғоясига айланади. Бу биздан мана шу гоё атрофида бирлашиб, янги Ўзбекистон учун фойдали нарсаларни қўллаб-қувватлаб, зарарли нарсаларга бирлашиб қарши туришимизни талаб қилади.

Бугун, 2023 йилда биз учун янги Ўзбекистонни барпо қилишдан ҳам муҳимроқ гоё борми? Йўқ, Абдулла Авлонийнинг машҳур иборасини қўллаб айтганда, янги Ўзбекистонни барпо қилиш, яъни халқ танлаган Президент дастури ижросини мукаммал таъминлаш бугун "бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласи"дир. Ана шунда биз ҳаёт, нажот, саодат толамиз. Акс ҳолда, бизни мамот, ҳалокат, фалокат кутади. Чунки саодат ҳеч қачон осмондан тушмаган, тушмайди ҳам. Янги Ўзбекистон бу деб бошланганидан беш мақсаднинг рўйбга чиқиши юртимизнинг саодат асрини бошлаб беради. Чунки инаугурация нутқида айтилганидек, мақсад — аниқ, вазифа — аниқ, амалга ошириладиган лойиҳалар — аниқ, зарур маблағлар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган.

Президент Сайловдони дастурида янги Ўзбекистонни қуриш шартлари ҳам аниқлаб берилди. Яъни "Бунинг учун иқтисодиёт ҳам, бошқарув ҳам, таълим ва тиббёт ҳам янги бағиш, барча соҳаларда ўсиш, ривожланиш бўлиши керак", дейилди. Барча соҳаларда, иқтисодда ҳам, маънавиятда ҳам, ҳар бир инсоннинг ишида ҳам интенсификация шартлиги очик айтилди. Маънавий-маърифий соҳада ҳам ўсиш, ривожланиш, интенсификация бизни мақсадга тез ва соз етказад. Охиринча, магнит сочилиб ётган, бир-бирига қўшилмай ётган металлари ўзига тортиб бирлаштириладиган, турли дунёқарашдаги одамларни бирлаштирадиган магнит — миллий гоё, маънавият. Дунёнинг қудратли давлатлари тарихи бунга гувоҳ.

РАДХАНИНГ ЖАВОБИ

Дастур контекстида Президентимиз 2021 йил 19 январда айтган "Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойиллари асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият", деган фикрлари устувор турибди. Бу фикр сайланган Президентимиз нутқида яна бир марта, алоҳида таъкидланди.



МИЛЛИЙ ҒОЯ — ХАТАРЛАРДАН ҲИМОЯ

"Келажак бу — биз бораётган томон эмас, биз қураётган нарса. Йўлларни қидириш эмас, қуриш керак. Бу қурувчиларни ҳам, уларнинг тақдирини ҳам ўзгартиради".

Жон Шаар

Президент нутқидаги "Ислохотларимизнинг таъсирчанлиги ва бардавонлигини таъминлаш учун йўлимизда учраши мумкин бўлган барча хавф-хатар, тўсиқ ва ғовларни ҳисобга олишимиз ва улардан талафотсиз ўтиш чораларини қўришимиз зарур", деган фикрда мафқуравий таҳдидлардан талафотсиз ўтиш вазифаси ҳам муҳимасан.

Бу бежиз эмас. Нега деганда, ғоявий таълимотларда "мафқура бу — давлат сиёсати йўлидаги тўсиқларни олиб ташловчи куч", дейилади. Мафқура одамларга давлат сиёсатининг мақсад-муддаосини тушунтириб, шарҳлаб, одамларни бирлаштиради. Ёши, касби, партияси, дини, тафаккур даражаси турлича ватандошларга янги Ўзбекистон нима учун, ким учун бунёд қилинишини ўқтиради. Бу саодат иморатини қуришда ҳар биримизнинг бурчларимизни тушунтиради. Ғоявий қуролларидан фидокорларга қўшилиб, деб рағбатлантиради. Халқимиз танлаган ғолий дастурнинг амалга ошишига монелик қиладиган ҳар қандай мафқуравий, ахборий хуружларга ҳақиқат тийғини қарши қўяди. Натижада ватан ҳимоячиларининг айтгани бўлади — "Но пасаран!" (Улар ўта олмайди!).

Миллий гоё халқ бирлашиб, катта, тарихий иш олдига туғилади. Аниқ иш, дастур билан боғланмаган мафқура — ишсиз мафқура. Чунки у одамларга бирлашишнинг сабабини кўрсатиб бера олмайди. Мана шу нуқтада иқтисодиёт (амалий иш, дастур) ва маънавият (миллий гоё, мафқура) бирлашади. Агар маблағ, ресурслар бўлса-ю, одамлар ғоявий сафарбар қилинмаса, дастур натижасиз бўлади. Гоё бўлса-ю, унинг иқтисодий ресурслари, дастури бўлмаса, миллий гоё улоқли назария бўлиб қолади.

Президентимиз халқимизга янги Ўзбекистонни барпо қилишнинг мақсадини ҳам, дастурини ҳам яратиб берди. 2023 йилда биз муқо тарихий имконият устидамиз. 36 миллионлик халқимиз ё ҳаёт — ё мамот, деб қиршиша, янги Ўзбекистон пойдевори етти йилда, албатта, қурилади. Президентимизнинг машҳур "Одамлар эртага эмас, бугун бахтли бўлиши керак", деган эзгу мақсади тарихан ўта кичик муддатда амалга ошади. Бунинг учун "Янги Ўзбекистонни барпо қилиш" миллий ғоямизга, ҳар биримизнинг шахсий, оилавий ғоямизга айланиши керак.

Бунинг учун "Янги Ўзбекистонни барпо қилишнинг ғоявий дастури"ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу дастур фидокорларнинг кўзини ёндирди. Янги Ўзбекистонни барпо қилишни ҳар бир Ўзбекистонликнинг виждон ишига айлантиради. Фидокорларни шарафлаб, бефарқ, масъулиятсизларни "уйғотиб", тўғри йўлга солади. Мамлакатда бунёдкор, пассионар (фидокор) маънавий муҳитни, кучли миллий характери яратди. Маънавияти кучли халқ янги, кучли Ўзбекистонни яратди. Президент олға сурган "Мақсадимиз — бири!" деган шарафли шiorга содиқ бўлсак, 2030 йилда ҳаммамиз, албатта, янги Ўзбекистонда яшаймиз.

Бу Ўзбекистон халқи учун саодат асрининг бошланиши бўлади.

Кучли маънавиятли одамлар, оила-лар иродали, дахлдор, мақсадга интилувчан, тиришқоқ ва албатта, шўронали бўлади. Бунинг мисоллари ўз номзодини қўйди. Ёшлар етакчиси бўлди. Узи каби қўйналган ёшларни аниқлади. Улар билан бирма-бир гаплашиб, ёшларга яратилган имкониятларни тушунтирди. Йўл-йўриқ кўрсатди, ёрдам берди.

У ишга келганда маҳалласида ишсиз 231 нафар ёш бор эди. Раҳда улардан 173 нафарини иш билан тўлиқ таъминлади. Қолган 58 нафарига ер олиб берди.

Маҳалладаги 973 ёшни "яшил", "сарик" ва "қизил" тоифага ажратиб қикди. "Қизил" тоифадаги 8 йигит-қизини ташкилотларга бириктирди. Россияга ишга кетган 13 маҳалладошдан 4 нафарини қақриб олиб, ишли қилди.

2021 йили унинг маҳалласида ёшлар ўртасида 6 та жиноят бўлган эди. 2022 йилда бирорта ёш жиноятга қўл



Зеро, "ҳақиқий, умуммиллий сафарбарлик энди бошланмоқда".

Президент Сайловдони дастурида "Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улуғвор мақсадларимизга ҳам биз фақат ва фақат мардона меҳнат билан эриша оламиз", дейилди. Ҳа. Мардона меҳнат оддий меҳнатдан фарқ қилади. Мардона меҳнат — мардларнинг меҳнати. Бу меҳнат номига, "йўлига" ишлайдиган, "ишга кўриниб келдим", дейдиганларнинг меҳнати эмас. Ғайратли, шиддатли, завқли, ташаббускор меҳнат. "Фақат ва фақат", деган таъкидлар мардона меҳнатнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб беради. Бу билан маънавият-маърифат олдига мардона меҳнат қўйилган ҳар бир ватандошимизни улуғлаш вазифаси қўйилган. Ана шундайлардан бири — Раҳда. Раҳда ким?

Раҳда Худойберганова — Урганч тумани "Туркманлар" МФИдаги ёшлар етакчиси. У яқинда "Шухрат" медали билан тақдирланди. Раҳданинг медали олдига Хоразмда дув-дув гап бўлди. Нега дейсизми?

Раҳда — "Инсон қадри учун" деган сиёсатнинг мингглаб натижаларидан бири. Аёлларга қаратилган катта эътибор тилмоли. Раҳданинг оиласи яқин-яқингача "Темир дафтар"да турар эди. Унга ўз маҳалласидан 1 гектар ер берилди. Оиласи иш билан таъминланди. Ғайратли Раҳда енг шимари ишга киришиб кетди. Экспортлоб аччиқ

қаламбир етиштириб сота бошлади. "Темир дафтар"дан қикди-ю, эл-юрт назарига тушди.

Маҳаллада жорий этилган ёшлар етакчиси лавозимига ўз номзодини қўйди. Ёшлар етакчиси бўлди. Узи каби қўйналган ёшларни аниқлади. Улар билан бирма-бир гаплашиб, ёшларга яратилган имкониятларни тушунтирди. Йўл-йўриқ кўрсатди, ёрдам берди.

У ишга келганда маҳалласида ишсиз 231 нафар ёш бор эди. Раҳда улардан 173 нафарини иш билан тўлиқ таъминлади. Қолган 58 нафарига ер олиб берди.

Маҳалладаги 973 ёшни "яшил", "сарик" ва "қизил" тоифага ажратиб қикди. "Қизил" тоифадаги 8 йигит-қизини ташкилотларга бириктирди. Россияга ишга кетган 13 маҳалладошдан 4 нафарини қақриб олиб, ишли қилди.

2021 йили унинг маҳалласида ёшлар ўртасида 6 та жиноят бўлган эди. 2022 йилда бирорта ёш жиноятга қўл

урмади. Бирорта ажрашиш бўлмади. У билан суҳбатлашиб, "Сиз бу ғайратни қаердан олдингиз?" деб сўрадик. У "Менга бу саволни кўп беришди. Мен Президентимизнинг "Мана бу ёшларнинг кўзлари енапти. Уларга ёрдам бериш керак", деган сўзлари ҳақида кўп ўйлардим. "Президентимиз ёшларнинг кўзи енаётганини қандай қўрар экан? Кўзи енаётган ёш қандай бўлар экан?" деб ўйлардим.

Мен маҳалла ёшлари етакчиси бўлганимда бунни билдим. Одам агар "Халқимизнинг дарди — менинг дардим. Ёшларнинг дарди — менинг дардим" деса, унга ишонч, куч қўйилиб келар экан. Иши олдига кетаверар, одамнинг кўзи чақнаши, ёниши шундан экан. Биз, ёшлар етакчилари йигит-қизларга ўз имкониятларини тушунтирсак, ишонтирсак, уларнинг кўзлари чақнаб кетар, бундай ёшлар тоғларни толқон қилиб, ўзларини ҳам, оиласини ҳам, Ватанни ҳам бой қилар экан. Бунинг мен ўз тажрибамда кўрдим, дейди.

Ҳа. Шу биргина Раҳда мисоли бизга келажакка ишончнинг, ғоянинг қудратини кўрсатиб туради. Ёшларга ишловчи бўлиб қолмас, уларни миллий гоё билан қуроллантирсак, миллий гоё уларнинг шахсий ғоясига айланади. Ғояланган ёшларнинг кўзлари ёнади. Эътиборсиз қолган ёшлар бефарқ, кўзлари сўлгин, бекорчи, боқиманда бўлади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**ХАЛҚАРО ТАДБИР**



# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ЮҚОРИ САЛОҲИЯТ, УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР

## Ундан самарали фойдаланиш иқтисодиёт барқарорлигига хизмат қилади

Аграр тармоққа ихтисослашган аксарият давлатлар саноатлашган мамлакатларга нисбатан ривожланишда анча орта қолгани яқин тарихдан яхши маълум. Жумладан, Ўзбекистон узоқ йиллар давом этган пахта яккахокимлиги ортидан жуда кўп, таъбир жоиз бўлса, мислсиз бойликдан мосуво бўлди. Аввало, мажбурий меҳнат — таълим тизими ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида катта, тузатиш кўп вақт ва маблаг талаб этадиган йўқотишларга олиб келди. Узоқни ўйламай қилинган чўлқуварлик эса бугунги Орол фожиасига замин яратди.



**Фурқат ЮНУСОВ,**  
“Тараққиёт стратегияси”  
маркази бўлим бошлиғи

ривожланди, яъни қандай қилиб бўлмасин, кўпроқ пахта етиштириш орқасидан қувиб, бир жойда депсиниб қолди. Илмий ёндашув бўлмади. Қишлоқ хўжалиги сектори давлат томонидан энг кўп тартибга солинадиган, ердан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлар чекланган ва химояланмаган тармоққа айланган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналишдаги самарадорлик пасайишига сабаб бўлди. Ана шундай бир шароитда соҳага тўлақонли бозор муносабатларини таъбиқ этиш, хомашени чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш, аграр тармоқни ислоҳ қилишга етарлича эътибор қаратилмади.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг юқори салоҳиятидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди, соҳани ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз янги ички маҳсулотнинг тўртдан бир улуши, шу жумладан, 2022 йил якунига кўра, 25,1 фоизи айнан мазкур соҳага тўғри келади. Шу билан бирга, республика бўйича иш билан банд аҳолининг қарийб 25 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат қилмоқда.

Бу эса нафақат иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалигининг ўрни гоят муҳимлигини, балки бевосита соҳада амалга оширилган ислоҳотларга ҳам боғлиқлигини кўрсатмоқда. Айнан шу жиҳатдан ҳам мамлакатимизда 2017 йилдан бошлаб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга оид қатор ислоҳотлар олиб борилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизimini такомиллаштириш мақсадида қишлоқ ва сув хўжаликлари вазирликлари қайтадан ташкил этилиб, вазирликларнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланган бўлди. 2019 йилда Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга

мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. 2020 йилдан пахта ва галлани етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини жорий этиш орқали давлат монополиясига барҳам берилди. 2021 йилда ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш устувор мақсад сифатида белгиланди.

Умуман олганда, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги янги ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, 2017 йилда бу борадаги кўрсаткич 1 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, 3,6 фоиз ўсишга эришилди.

Утган даврда соҳада олиб борилган ислоҳотларнинг ёрқин натижаларидан бири улпарок, халқаро бозорда ўзбек пахта ва тўқимачилик маҳсулотларига ўрнатилган бойкот бекор қилинди. Ўзбекистон Европа Иттифоқига тўқимачилик маҳсулотларини божсиз олиб киришни таъминлайдиган GSP+ савдо макomini олди, натижада ушбу маҳсулот экспорти 2017 йилдаги 1,2 миллиард доллардан 2022 йилда 3,2 миллиард долларгача оширишга эришилди.

Шунингдек, сув ресурсларининг тора-бора камайиб бораётгани боис, мазкур

соҳада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2017–2022 йилларда жами 1,4 миллион гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Мақсад битта — иқтисодий фойда кўриш билан бир қаторда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш.

Айниқса, юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги эканларини худудлаштириш сисъати, кластер тизими, замонавий иссиқхона хўжалиқларини яратиш, томорқа хўжалиги амалиётини кенгайтириш қишлоқда аҳолининг турмуш даражасини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

**Биргина кластер тизимининг иқтисодиёт ривожига ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни катта эканини кўришимиз мумкин.**

Жумладан, Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб пахта-тўқимачилик ва мева-сабзавотчилик кластерлари тизими жорий этила бошланди. Натижада 2017–2022 йилларда мамлакатда 506 та кластер шакллантирилди. Биргина 2022 йилда улар томонидан 28,7 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани эса тизим самарадорлигидан далолат беради, албатта.

2018–2022 йилларда ушбу кластерлар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 32 баробар ортиб, бу кўрсаткич саноатнинг қайта ишлаш тармоғида 2,5 баробарни ташкил қилган. Кластерларга молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми эса 2018–2022 йилларда 7,6 триллион сўмни ташкил этган.

Кластер корхоналари тизимида фаолият юритаётганлар сони эса ушбу даврда 2,5 баробар ошган. Кластерларнинг жами саноат маҳсулотлари тури бўйича экспортдаги улуши 2019 йилда 5 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 11,4 фоизга етган. Кластерлар тизимида меҳнат унумдорлиги 2018–2022 йиллар оралиғида 12,9 баробар ортган. Бу кўрсаткич

саноатнинг қайта ишлаш тармоғида 6,4 баробарни ташкил қилган. Демак, кластерлашувда меҳнат унумдорлиги тармоқдагига қараганда 2 баробар юқори бўлган.

Таҳлиллар меҳнат унумдорлиги билан бирга, йўналтирилган инвестицияларнинг даромадлилик даражаси ҳам кластерларда юқори эканини кўрсатмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2018–2022 йилларда кластерларга йўналтирилган инвестицияларнинг иқтисодий қайтими (даромадлилик даражаси) коэффициентини 1 дан 1,4 га ортган. Бу кластерлаштириш лойиҳалари жуда самарали эканидан далолат беради.

Шу каби чора-тадбирлар, эришилган ютуқлар, олдинда турган муаммо ва таҳдидлар ҳамда уларни ҳал этиш борасида келгуси режалар “Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат” халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистонда 2030 йилгача қишлоқ хўжалигининг ривожланиш стратегияси: имкониятлар ва истиқболлар” мавзусидаги тадбирда ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ва унда белгиланган устувор йўналишлар доирасида амалга оширилаётган ишлар: озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сисъатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий қозибдорликни ошириш механизмларини жорий қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизimini такомиллаштириш, бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш, тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш, қишлоқ худудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, тармоқ статистикасининг шаффоф тизimini яратиш каби йўналишдаги саъй-ҳаракатлар эътироф этилди.

Шунингдек, тадбирда қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувини трансформация қилиш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни жаҳон тажрибаси асосида амалга ошириш бўйича халқаро экспертлар жалб қилинган алоҳида қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг тўртдан бир қисmini ташкил этаётган ва қарийб 3,5 миллион аҳоли банд бўлган мазкур соҳада ислоҳотларни жадаллаштириш, албатта, келгусида юртдошларимиз фаровонлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

# РОҲАТ МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ОРТИДАН КЕЛАДИ



**ТАКРОРИЙ ЭКИН**

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Навбахор туманининг Навкар маҳалласида истиқомат қиладиган Одил Қўлдошев ишсизлиги туфайли доимий даромадга эга эмас. Ховлисидаги 8-10 сотихли томорқасида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ортидан келадиган фойда оиласининг каму кўстига етмайди. Аммо у эътибордан четда эмас. Маҳаллада эхтиёжманлар рўйхатида тургани учун галладан бўшаган майдондан унга бир гектар ажратилди. Қолаверса, фермерлар томонидан кўмак сифатида дон берилди. Айни вақтда у ўзига ажратилган ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, даромад олиш мақсадида.

лар томонидан биржа савдолари орқали сотиш учун вақтинча сақлаш оморларига келтирилди. Келгуси йил ҳосили учун эса 8800 тонна уруғлик дон жамғарилади.

Республикаимиз аҳолисини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узулуксиз таъминлаш ва фермер хўжаликлари иқтисодини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида галладан бўшаган майдонларга такрорий экин экиш кўзда тутилган. Айни вақтда вилоятда бу жараён кизгин паллага кирган. Жараёни Навбахор тумани мисолида таҳлил этадиган бўлсак, худудда жо-

рий йил ҳосили учун 189 та фермер хўжалиги 8400 гектардан ортиқ майдонда дон етиштирди. Галладан бўшаган ушбу ерларнинг 7400 гектаридан ортинга такрорий экин экилиши режалаштирилган. Жумладан, 360 гектарга сабзавот, 150 гектарга полиз, 154 гектарга мойли экинлар, 1480 гектарга дуққаки экинлар, 1300 гектарга шоли, 2797 гектарга эса чорва учун озуқа экинлари ва 1135 гектарга тарик экилади. Шу мақсадда фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан эхтиёжман оилаларга такрорий экин етиштириш учун тегишли ер майдонлари ажратилди.

Албатта, халқимиз азалдан ерни ардоқлайдиган, меҳнаткаш, асл соҳибкорлар, бир сўз билан айтганда, миришкор деҳқондир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича жуда катта тажрибага эга.

Карманаликлар ҳам азалдан ер билан тиллашиш ҳадисини олган. Хусусан, “Шибзон”, “Жалоир” ва “Арабхона” каби маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли ҳар қарич экин майдонидан самарали фойдаланиб, ички бозорни йил бўйи зарур турдаги сабзавотлар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, галладан бўшаган ер майдонларига ҳам худуд аҳолиси томонидан сабзи, шолғом, лавлага ва бошқа турдаги сабзавотлар ҳамда дуққаки экинлар экилади. Бу йил ҳам Шибзон маҳалласида иктимойи дафтарларда турувчи фуқароларга 50 сотихдан бир гектаргача ер майдонлари такрорий экин учун ажратилди.

Маҳалламизда доимий банд бўлмаган 272 нафар фуқарога аукцион орқали такрорий экин учун ер ажратиб берилди. Асосан, сабзи, қизил лавлага ва картошка экиляпти. Бунинг учун уларга ҳар томонлама шароит яратилиб, кўмак қўрсатилмоқда. Фермерларнинг мавжуд техникалари томонидан ерларга агротехник хизматлар кўрсатилди ва уруғлар ҳам экиб берилди. Мутахассислар томонидан экинларни етиштириш бўйича мунтазам тавсиялар бериб борилмоқда.

Дилдора Облоқулова ҳам оилавий шароити туфайли “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. У эндиликда ўзига ажратилган 50 сотих ерда оиласи билан сабзавот ва дуққаки экинлар етиштириб, рўзгори бутлигини таъминлашни мақсад қилган.

— Икки нафар фарзандим бор, ишсизман. Ховлимизда 9 сотих томорқамга помидор ва бошқа маҳсулотлар экканман. Доим ердан унумли фойдаланишга харажат қиламан. Галладан бўшаган майдондан менга 50 сотих ер ажратиб берилгани айни мудабо бўлди. — дейди Дилдора Облоқулова.

Аслида, йилнинг қайси бир даври бўлмасин, халқимиз ерга ўзгача меҳр билан қараган. Шу боис, бободехқон қалб кўри билан етиштирган неъматлар йил бўйи дастурхонимиз, бозорларимиз тўкинлиги



**УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

Бутун юртимизда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам қишлоқ хўжалигининг айни мавсумда ризқ-рўзимиз бўлмиш галла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиб олиш ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди ва мўл ҳосил олинди. Эндиликда галладан бўшаган майдонлардан самарали фойдаланиш, такрорий экин экиб, халқимиз дастурхонини тўкинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу, ўз навбатида, Одил Қўлдошев каби фуқароларга қўшимча даромад олиш учун яхши имкониятдир.

Навоий вилоятида бу йил 950 га яқин фермер хўжалигида 38 минг гектардан ортиқ майдонда бошоқли дон етиштирилди. Суғориладиган галла майдонларининг ҳар гектаридан уртача 80 центнердан, жами 290 минг тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Унинг 47 000 тоннаси давлат захираси учун дон қабул қилиш масканларига топширилса, 39 000 тоннадан зиёди фермер-

САРФАЙГАН САХИФАЛАР

Жавондаги жавоҳир

“Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли”, дейдилар. Тарих одамзод учун чинакам ибрат кўзгусидир. У зоҳор тарих бўладими ёки яқин ўтмиш воқеаларини ўзида акс эттирадими — буларнинг барчасида ўша замон руҳи ва кайфияти яққол намоён бўлади. Ўнга назар солар эканмиз, қалбларимизда бугун ўзимиз муяссар бўлиб турган, аммо доим ҳам қадрига етмаётган кўплаб неъматлар учун шукроналик ҳисси пайдо бўлса, ажаб эмас.

Халқимизга, келгуси авлодларга улкан илмий мерос қолдирди.

Атоқли манбашунос олим, филология фанлари доктори, профессор Исмаилов Абдуллаев бугун орамизда йўқ бўлса-да, у кишининг маърифат ва зие тарқатишдек зғу ва хайрли ишлари ҳамон давом этмоқда. Устоз ҳаётлиги чоғида кўп йиллик фаолияти давомида тўплаган бой кутубхонасини Наманган давлат университетига ҳада этган эди. Айни пайтда вилоятдаги кўплаб зиёлилар, илм аҳли, ёшлар ушбу ноёб дурдондан баҳраманд бўлмоқда.

Бутун умрини илм-фан ва маданиятимизга бағишлаган Исмаилов Абдуллаевнинг юқорида зикр этилган “Маърифат ва тарбия” номли мақоласи жузъий қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Бахтиёр ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси



кейин “Ана у ери, мана бу ерини олиб ташлайсиз, бўлмаса босмаймиз”, деган тахлика. Шулардан биттаси Бухорининг ўша даврдаги қаровислиғи, ифрослиғи танқид қилиб ёзилган ҳажвий шеърлар эди. “Ахир, бу асар бундан минг йил аввал ёзилган, шоирлар Бухорининг ўша даврдаги ифросликларини ҳажв қилмапти”, десам, “Йўқ, Бухоро обкомо секретари бизнинг олдимишга шикоят қилиб келиши мумкин”, деб ўша шеърлар чиқариб ташланди ва асар 1976 йил нашр этилди. Саолибийнинг иккинчи бир муҳим асари “Латоиф ал-маориф” (“Ажойиб маълумотлар”) китобини чоп этиш ундан ҳам машаққатлироқ бўлди. Асарнинг биринчи бобида нўзда у ёки бу нарсани биринчи ким яратган, деган диний маълумотлар берилган. “Фан” нашриётининг ўша вақтдаги бош муҳаррири А.Қосимжўраев тиш-тирноғи билан бу нодир асарни нашр қилишдан бош тортди, мен бир йил овера бўлдим, нашриёт директори Ҳ.Бектемиров ҳам



асосий ахлоқ нормаси бўлган. Афсуски, бадиий адабиёт, кино, театр ва телевидениеда бу олижон фазилатлар кўрсатилмади.

Қишлоқ аҳолиси эса кўл меҳнати билан оддий, ҳалол ҳаёт кечирган, бир-бирига мурувват кучли бўлган. Хотинлар қишлоқ ҳўжалигида худди ҳозиргидай эрлар билан ёнма-ён меҳнат қилган. Уларнинг ҳаёт ва турмуш тарзида одоб-ахлоқ юксак даражада бўлиб, пок ва ҳалол яшашган. Уларда паранжи-чачвон бўлмаган, эркин ва мағрур қадам босган. Узини ёнди-



МАЪРИФАТ ВА ТАРБИЯ

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи жуда қадимий бой тарих ва маданиятга эга. Маданиятимиз дурдоналари асосан уч: араб, форсий ва туркий (қадимий ўзбек) тилларида яратилган. Шу билан бирга, бу ерда 1300 йил давомида ислом дини хукмрон дин бўлиб, қонун-қоидалар, ўқув юрталари бўлиши мактаб ва мадрасалар ана шу динга итоат эттирилган. Тарих, адабиёт, қонуншунослик ва умуман, ҳаётнинг ҳамма жабҳалари шу хукмрон дин билан чамбарчас боғланиб кетган. Диний адабиёт, унинг қонун-қоидалари билан илмий адабиёт қоришиб кетган, буни ажратиб ўрганиш, бирини олиб ташлаб, иккинчисини таҳлил қилиш кўпол ҳаттоликка олиб келиши мумкин. Бунинг бир бутун манба сифатида илмий ўрганиш ва давримиз талабига жавоб берадиган тарзда халқимизга етказишимиз керак.

маданияти билан таништириш мақсадида жадидлик (англик)ни тарғиб этди. Янги усулда мактаблар очдилар, газета ва журналлар чиқардилар. Булар ўз даврида янгилик тарafdорлари эди ва халқ орасида маърифат тарқатиш, савод ўргатишда анчагина ижобий роль ўйнаган. Инқилобдан кейин мадрасада тахсил олган зиёлиларнинг кўпчилиги совет ҳокимиятини ёқлаб, турли ташкилот ва муассасаларга ишга ўтиб кетди, мактабларда ўқитувчилик қилди, баъзилари хунармандлик, деҳқончилик каби ишлар билан шуғулланди.

Минг афсуски, шахсга сифиниш даврида кўпол хатоларга йўл қўйилди. Мадраса “тупроғини ялаган” зиёлиларнинг бир қисми жадидликда айбланиб йўқ қилинди, бир қисми аксиланчиликчи, деб ҳибсга олинди ва қириб юборилди. Қолганлари диний арбоб сифатида қораланиб, “домла”, “руҳоний” ёрликлари остида сурғун ва қиргин қилинди. Улар ўз замонида ўқимишли олим, маърифат тарқатувчи, халқ ҳурматида сазовор зиёлилар экани бутунлай инкор этилди. Уларни ҳалқ беқорга уламолар (олимлар) деб атамаган-ку!

Шундай қилиб, маданият ва тарихимизни, араб, форсий ва қадимий ўзбек тилларида яратилган бой хазинани ўқийдиган ва халққа етказиб берадиган камёб мутахассис олимлар деярли тугатилди, айрим машҳур рус олимлари шахсга сифиниш даврида Европа ва Америка давлатларига бошпана қидириб, турли йўллар билан ўтиб кетгани каби Қашқария, Афғонистон ва Арабистонга ўтиб кетди. Уларни биз ватан хоинлари деб атадик, фарзандларини таъжиб остига олдик.

1918 йили Тошкентда Туркистон шарқ институти ташкил этилиб, кейин Ўрта Осиё давлат университети шарқ факультетига айлантирилган эди. 1931 йили бу факультет ҳам тугатилди. 1929 йили лотин, 1939 йили эса рус алифбосига ўтиб кетилди. Араб хатидаги қадимий ўзбек тилини ўрганиш ҳам барҳам топди. Баъзи бунинг улдасидан чиқадиганлар ниҳоятда кўрқок бўлиб, улар өзига муҳр босиб, қўлига қишан солинган эди. Домм хавф остида турар эди. УзФА Шарқшунослик институтида 40 йилга яқин ишлаган, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий асарларини араб тилидан таржима қилган машҳур шарқшунос, учта тил билмидони Абдуфаттоҳ Расулов ўз таржимаи ҳолида ёзади: “Мен нотўғри сийёсат туфайли 1924 йилда ўқитувчиликни ташлаб, 20 йил давомида гишт терувчи ва сувқочлик қилдим. Шундай қилишимданми, мени ҳам йўқ қилишган бўларди”.

Шу тарихи 40-йилларга келиб, на араб, форсий ва туркий тилларини билган мутахассис олимлар ва бундай мутахассисларни тайёрлайдиган илм ўчоғи қолган эди. 20-йиллардан бошлаб 50-йиллар давомида бу уч тилдаги аниқ фанлар, адабиёт, тарих ва тилга оид бирорта манба ўзбек тилига ағдарилибди. Фан, маданият ва тарихимизни ўрганиш деярли тўхтаб қолди.

1944 йили Ўрта Осиё давлат университети хузурида шарқ факультети қайта тикланди. Анча-мунча кадрлар етишиб чиқа бошлади. Ўзбекистон Фанлар академияси хузурида худди шу йили Шарқ кўлёмалари (ҳозирги Шарқшунослик) институти ташкил этилди.

1950-йиллардан бошлаб Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Форобий, Саолибий, Улғубек каби сиймолар асарлари ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, тадқиқот ва изоҳлари билан нашр қилина бошланди. Лекин бу иш тил

билган кадрлар етишмаслиғи туфайли ниҳоятда суст бормоқдаки, минглаб ноёб асарларни халққа етказиш учун агар шу тахлитда борилса, яна минг йиллик вақт талаб этилади.

Бундан ташқари, 10-15 йилда машаққат билан тайёрланган бир манбани нашр этишда кўп тўсиқлар мавжуд. Бундай тадқиқий илмий ишларни фақат битта “Фан” нашриёти босади. Фафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, “Ўзбекистон”, “Ўқитувчи” нашриётлари илмий китобларни чоп этмайди. “Фан” нашриётида тираж чегараланган: 1000 донна. Яна бир томони, шу тиражини ҳам китобни тайёрлаган олимнинг ўзи тўпласи керак. Бу олим турли жойлардан танишлар орқа-

уни кўплаб-қувватлади ва ниҳоят китоб нашриёт планидан чиқариб ташланди.

Асар 1987 йили академия вице-президенти Э.Ю.Юсупов ташаббуси билан чоп этилди. Афсуски, асар думи юлинган товўқ ҳолига келтирилган эди.

Мен яна бир нарсга ҳақида тўхтаб ўтмоқчиман. Алишер Навоий асарлари орасида “Чихл ҳадис” (“Қирқ ҳадис”) деган рубоийлар бор. Бундай рубоийлар Жомийда ва Шарқнинг бошқа жуда кўп шоирларида ҳам мавжуд. Муҳаммад пайғамбарга нисбат берилган бу ҳадисларда деярли диний гаплар йўқ, асосан, ақл-одоб, илмга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, инсонийлик каби дунёвий гоғлар кўзда тутилган. Ҳозиргача “Чихл ҳадис” асари Навоий тўпламларига

Advertisement for the book 'MA'RIFAT VA TARBIA' by Ismatulla Abdullaev. The ad includes a QR code and text in Uzbek: 'Исмаилов Абдуллаев МАЪРИФАТ ВА ТАРБИЯ кўр дурдонаси «Ҳотаннома» китоби ҳам (Фафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988) кўп жойлари олиб ташлаб нашр этилди. Машҳур «Минг бир кеча» таржимаи ҳолига қилиб, қийинчилик билан лотинга келтириб, «Фан» нашриётига олиб келдим. Аввал ярмини қисқартириб олиб келдим. Аввал ярмини қисқартириб олиб келдим. Аввал ярмини қисқартириб олиб келдим. УШУБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ли бюртманомалар бердириб, китоб тиражини мингга етказди. Натихада китоб энг керакли ўқувчиларга етиб бормай, кераксиз жойларда чанг босиб ётади.

Академия институтларида лимитинг камлиғи туфайли китобни нашр планига киритиш мўшкул. Баъзан машаққат билан тайёрланган манба ўн йиллаб нашр планига кирмай ётади. Нашриётга ҳам етиб борди, дейлик. “Китобни қисқартирасиз, мана бу жойларини олиб ташлайсиз, булар диний гаплар”, деган буйруқлар бошланади. “Ахир бу манба, минг йил аввал ёзилган, уни қисқартириб бўлмайди”, деб ўтиниб илтимос қилишлар, афсуски, кўпинча фойда бермайди.

Фикримизни далили учун мисоллар келтирай: Шарқда машҳур “Қобуснома” китоби 1968 йили “Ўқитувчи” нашриётда ўзбек тилида қисқартириб нашр этилди. Унинг 1-4, 15-23-боблари, яъни олти боби тўшириб қолдирилган. Ваҳоланки, шу асар 1958 йили Москвада “Восточная литература” нашриётда тўла нашр этилган эди. Ибн Сино, Беруний асарларининг дин билан боғлиқ саҳифалари ҳам тўшириб кетилган. Устозим В.И.Беляева Берунийнинг “Қонуни Маъсудий” китобини олиб бериб берганимда, “Бу муаллифни таҳқирлаш, ким сизларга манбани бузиб нашр этишга руҳсат берди?” дегани ёдимдан чиқмайди. Шарқ адабиётининг яна бир машҳур дурдонаси “Ҳотаннома” китоби ҳам (Фафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 й.) кўп жойлари олиб ташлаб нашр этилди. Машҳур “Минг бир кеча” эртақларининг ҳам кўп жойлари ўзбек тилига таржима жараёнида олиб ташланган. Мен ўзим машҳур олим Саолибийнинг (961 — 1038 й.) Ўрта Осиё ва хуросонлик 124 та шоирини ўз ичига олган “Йатимат ад-дахр” (“Замона дурдонаси”) номли нодир асарини 10 йил мобайнида ўзбек тилига таржима қилиб, қийинчилик билан лотинга келтириб, “Фан” нашриётига олиб келдим. Аввал ярмини қисқартирасиз, деган тўсиқ,

критилмаган. Баъзилари олимимиз А.Қаюмов томонидан “Навоий манзу-малари” сарлавҳаси билан “Тошкент окшоми”да эълон қилинди. Яна бир мисол, А.С.Пушкин Қуръон суралари асосида 15 шеърини ёзган. Бу “Пушкиннинг машҳур тақлидлари” номи билан унинг асарларига киритилган. Шоир Абдулла Шер Пушкин тақлидлари билан нечасини ўзбек тилига таржима қилиб, “Ёшлик” журналида берди. Агар Абдулла Шер ўзи Қуръонга тақлид қилиб шеър ёзганда, ҳеч ҳам босмаган бўларди.

Яна бир ачинарли нарсга, “Фан” нашриёти ва 3-босмахонадан бошқа босмахоналарда араб ва лотин ҳарфлари ниҳоятда машҳур олим ва шоирлар асарлари танқидий матнларга хатида нашр этилмоқда. Ўн йил давомида лотин ҳарфида ёзилган асарлар тақдирини ҳам худди шундай. Бу ҳам кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан бири.

Қўриб турибмизки, араб, форсий тилларидан таржима қилиш ва қадимий ўзбек тилида ёзилган манбаларни халққа етказиш жуда оғир, машаққатли ишдир. Уч тилни билган олимлар бизда бармоқ билан саналадиган қолди. Буларнинг ўрнини тўлдириб амира маҳол. Ҳеч бўлмаса, ўрта мактабларнинг муайян қисмида қадимий ўзбек тили, араб ва форсий тилларини мажбурий программа асосида ўқитиш керак. Ахир биз учун адабиётимизда 1000 йиллар давомида ишлатилган араб, форсий тилларини ўрганиш зарур эмасми? Университет ва пединститутлар филология факультетларида эса мажбурий равишда қадимий ўзбек тили ўргатилиши керак. Олий маълумотли адабиёт ўқитувчиси, доцент ва айрим профессор Навоий асарларини асл нусхада

ўқиймаслиғи ва тушунамаслиғига тоқат қилиб бўладими? ТошДУ шарқ факультетида араб, форсий, ҳинд, хитой тиллари билан бир қаторда қадимий ўзбек тили ҳам ўқитилиши керак. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик, Тил ва адабиёт, Кўлёмалар институтларида аспирантура йўли билан мутахассислар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш, бу институтлар учун нашриёт лимитларини кўпайтириш, тираж тўпласи, деган бемаънигарчиликка хотима бериб, тарих ва маданиятимиз дурдоналарини халққа бориб етадиган тиражада чоп этиш керак.

Мен яна фан ва маданиятимиз раванкага улкан ҳисса қўшаётган етук олимларимизни уларга қарши баъзи асоссиз хуружлардан асраб, эҳтиёт қилишни ҳам таъкидламоқчиман. Иجتимий фанлар соҳасида нафақат республика, балки Иттифокда донг таратган, тарихимиз, фан ва маданиятимизнинг тинмас тадқиқотчиси, СССР ФА муҳбир аъзоси Э.Ю.Юсуповни кўзда тутаялман. У киши ҳақиқий интернационалист, қайта қуришнинг жонқуяр ташвиқотчиси, халқ севган ҳассос олим ва инсондир. Афсуски, бундай олимни қуролмаган баъзи шахслар улга асоссиз хуружлар қилдилар.

Олимларга ғамхўрлик етарли эмас. Бирор кўзга қуриинган олим, фан доктори ёки профессор 60 ёки 70 ёшга етса, унинг ҳақида матбуотда ҳеч нарсга ёришмайди. Илм аҳли, захматкаш олимларнинг тирикликдаги кадр-қиммати шуми?

Мен яна ёзувчи ва шоирларимиз томонидан бадиий асар, кино ва театрларда ўзбек халқи ўтмиш ҳаётини ниҳоятда бузиб кўрсатишдек анъанавий кўзбўямачиликни айтиб ўтмоқчиман. Қайси бир асарни ўқиманг, театр ва кинони кўрманг, ўзбек халқи ялангоёқ, кийимлари юпун, қашшоқ, саводсиз, қоқоқ қилиб тасвирланади. Беш-ўн та юпун қаландар ёки дарвеш қўригача кашкулдини осиб олиб, “ё Оллоҳу ё Оллоҳ, ҳақ дўст ё Оллоҳ”, деб кўчмакучча юргани юрган. СССРдаги кўпчилик халқлар ўтмиши, албатта, ҳозиргидай бўлмаган. Лекин ҳар бир халқнинг ўз маданияти, адабиёти, тарихи, урф-одатлари бўлган.

Рус тилида чоп этилган “Ўзбекистон тарихи” китобида ёзилишича, 1894 йили Туркистонда мактаб ва мадраса фақат 6 минг 445 та, 1913 йилга келиб 7 минг 665 тага етган. 1911 йили Ўзбекистонда 105 та рус-тузем мактаби бўлган. 1887 йили рус-тузем мактабларида ерли миллатларнинг 245 фарзанди таълим олган. Булардан ташқари, хотин-қизлар ўқитиладиган юзлаб мактаб бўлган. Булардан Нодира, Увайсий, Махзуна, Анбар Отин каби қанчалар шоира, адиба ва олимлар етишиб чиққан. Республикаимиз территориясида 20 дан ортққ шоира номи аниқланди. Ҳозиргача биз “отинлар” деб салбий баҳолаётганимиз ўзбек аёллари қисман араб тилини, форсий ва қадимий ўзбек тилини эса жуда яхши билган, классик шоирлар асарларини бемалол ўқиб, таҳлил қила оладиган, тарих ва табиоботдан хабардор зиёли бўлган.

Йирик шаҳарларда муайян феодал ва қириблар оиласи ҳашаматли ҳаёт кечирган, лекин халқнинг кўпчилиғи илм аҳли, хунарманд, савдогар, қосиблардан иборат бўлган. Уларнинг ҳаёт тарзи, одоб-ахлоқи, урф-одатлари, адабиёт ва санъати ўз замонаси илгор анъаналарини акс эттирган. Ичкиликбозлик, ўғирлик, бировнинг ҳақиқа хибнат қилиш халқ ҳаётида деярли учрамайдиган ҳодиса бўлиб, ҳалоллик, эътиқод, имон одамлар ҳаётида

риш, захарлаш, осми аёллар ҳаётида деярли учрамаган. Аёлларимизнинг ўтмишдаги бу хислатлари ҳам ёзувчиларимиз асарларида акс эттирилмайди. Ўтмишни қоралаш, ёмонлаш, ҳақоратлаш қаламдашлар учун байроқ бўлиб қолган. Совет даврида яратилган бутун тарихий ва адабий асарларда ҳозирги Ўзбекистонда фақат 2 фойз халқ саводли бўлган, деб ёзиб келинмоқда. Бу рус-тузем мактабида ўқиганлар ҳақида бўлса керак. Мактаб ва мадрасаларни битирганлар саводдилар қаторига қўшилмаса керак. 30-йилларда саводсизликни битириш учун кураш бошланганда араб хатида ўқийдиганларни саводсизга чиқарилган эди.

Ижоди сарой адабиёти, диний ақидалар билан боғлиқ бўлган анчагина истеъдодли шоирлар ҳақида ҳозиргача кўриб ёзмай келдик. Умархон саройида яшаган, “Тазкираи Шоаро” китобини шеър билан ёзган, замонасининг малик уш-шуароси Фазлий Намангоний, камбағалпарвар ва етимпарвар, золимлар ва бойларни шеърини тиги билан беомон урган Аҳмад Ясавий, сўз устаси, бадиий санъаткор, ақл-одоб, илм-фан тарбиячиси Сўфий Оллоёр (“Қолибсан танга деб ахлоли танга”, “Янма маърифатни ўрганурдин, танур жойинг бўлур қолсан танурдин”), чуқур билимдон шоир Ҳожи Мухий каби истеъдодли, халқнинг обрў-хурматида сазовор бўлган ўнлаб шоирлар ижодини ўрганиш вақти етмадимикан? Пушкин саройи шоири эмасмики, Жомий, Навоий, Гоголь, Толстой диндор бўлишмаганими?

Ибодат қилувчиларнинг кўпчилиғини уруш ва меҳнат ветеранлари, ўз қишлоғи ва маҳалласида обрў қозонган ўрта ва олий маълумотли мўтабар қариялар ташкил қилади. Улар орасида ёшлар ҳам анчагина. Ёшларни тарбиялаш, маҳаллаларда тозаланиш сақлаш, ислом каттиқ қоралаган ичкиликбозлик, ҳаромхўрлик, зинокорлик каби жижирканч иллатларга қарши курашиш, оилаларни мустаҳкамлаш кабиларда бу қарияларимиздан фойдаланишимиз керак. Масжидлар илгари вақтларда фақат ибодат қилиш маскани бўлмай, бошланч мактаб вазиғасини ўтаган, маҳалла халқининг тўпланиб, турмуш масалаларини — уришган қўшни, ака-ука ва эру хотинни яраштириб қўйиш, тўй-маррака тадбирлари, болаларни тарбиялашга оид, кўчаларни ифрос қилмаслик, нон ва сувни ёззоллаш, ота-онани хурматлаш, хашарлар уюштириш кабилар ҳал этилган. Масжидларнинг ҳовуз, чинор ва терак дараклари, узузмор ва мевазорлари бўлиб, шинам сўриларда ўтириб, шеърхонлик ва китобхонлик қилган. Мабоодо диндорларга бирор жойни кўрсатиб, масжид қўриб олинган, дейлик, 5-6 ойда бинони бунёд этади. Нима учун уллардаги шу ташаббускорликдан фойдаланмаймиз? Бочга, мактабларни тузатиш, бог-хибонлар ташкил қилиш — ободончилик масалаларида уллардан фойдаланиш керак. Имом-хатиблар орқали давлат сийёсати, қайта қуриш муаммоларига оид масалаларни ибодат қилувчиларга етказиш керак. Чунки ибодат қилувчилар кўпроқ хатиблар гапини эътиборга олади: “Домла бугун бу гапни айтдилар”, “Фалон жойда бундай дедилар”, деган гапларни доим эшитамиз.

Хуллас, қайта қуриш жуда кенг соҳаларда амалий ишларда намоён бўлаверсин.

Исмаилов Абдуллаев

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1989 йил, 5 май)



МОЗИЙГА НАЗАР

ЯШИРИБ БЎЛМАЙДИГАН жақшқат

ЁХУД ШАРҚ МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ, ИНСОФ БЕШИГИ, АХЛОҚ МАКТАБИ, БИЛИМ МАДРАСАСИДИР

Кардини чуқур мушоҳадали олим ва публицист сифатида тарихнинг мутлақо ўзгармайдиган чин ҳақиқатларига суяниб ёзади бу сатрларни. Аммо у бу борада биринчилардан эмас.

Бугун Буюк Британия тахтига ўтирган Карл III 1993 йили Оксфорд университети қошидаги Исломо тадқиқотлар марказида сўзлаган машҳур "Исломо ва Ғарб" мавзусидаги нутқида муқаддас динимизнинг маърифий асослари, дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. "Исломо табиати ҳақида бизда тарқалган тушунмовчиликлар билан бирга, Ғарб маданияти, цивилизациямиз исломо дунёси олдида қанчалар қарздор эканини яхши билмаймиз, — дейди у. — Менимча, бунга сабаб бизга мерос бўлиб қолган тарихдир. Урта асрларда исломо дунёси Марказий Осиёдан Атлантика океани соҳилларигача олиму фузалолари билан равақ топган маърифий дунё эди. Бироқ биз ислонми Ғарбнинг душмани, ганим ва бегона маданият, жамият ва эътиқод тизими сифатида кўришга интиланганимиз босиб, бу диннинг тарихимизга қўрсатган таъсири уни унутиб қўйдик. Мисол учун, сажкизинчи ва ўн бешинчи асрлар оралиғида Испанияда мавжуд бўлган ислоний жамият (Андалузия) ва унинг юксак маданияти (Овруро учун) нақадар муҳим бўлганини ҳақиқат камситиб келганмиз. Мусулмон Испаниянинг инквизиция даврида юнон классик таълимоти сақлаб қолгани, кейинчалик Ренессанс даврининг равақ топишига хизмат қилгани аллақандар тан олинган эди... Мусулмон Испания қадим Юнон ва Рим маданиятининг эҳдий меросини асраб қолгани баробарида, мазкур билимларини



Андалузияда мусулмонлар эришган муваффақиятлар хусусида сўз кетганда, бошқа илмий-маърифий манбаларга ҳам мурожаат этиш лозим бўлади. Чунончи, машҳур маърифатпарвар олим Исмоилбек Гаспринский қаламига мансуб "Дорур-роҳат мусулмонлари" асариди Исломининг Ғарб маданияти ва умуман, дунёвий илм-фан тараққиётига қўшган бемисл ҳиссаси аниқ кўрсатиб берилган: "Исломо ахли қўлга киритган Андалуз улқиси қанчалар барокатли ва хушхаво бўлишига қарамай, аҳолининг бехунар маданиятисизлигидан мамлакат ҳароб ва тап-тақир эди. Асари маданият ва зақо ўлароқ, ҳар тарафга йўллар, кўприклар қурилди. Йўлларда чашмалар,

деб ёзган экан. Гаспринский бу фикрнинг давом эттириб, "Юнон маданияти Овруродан аввал Исломо дунёсига ёйилди, мусулмонлар уни тараққий эттириб, нуқсонларини камайтириб, Оврурога топширдилар... Афсуски, XI асрдан бошлаб замон нотинчликлари қучайиб борди. Бир томондан ғазнавий, салжукларнинг мулк дағдағаси, иккинчи томондан Чингиз истилоси, учинчи томондан Қуддуси шариф учун бошланиб кетган "салб юришлари" исломо олами-ни ларзага солиб, илму хунар йўлларини бузди. Лекин илм-маориф нури сўнмади, аксинча, душманларга ҳам зиё бериб, мунаваар қилди. Мўғулларнинг катта қисми исломо маданиятини қабул этдилар, овруропликлар эса юз йиллик салб юришлари давомида қанчадан-қанча санъат ва хунарларни ўрганиб қайтдилар. Исломо маданияти учоқлари Бағдод, Шероз, Нишопур, Самарқанд, талончилик юришларини бошлади. Кўплаб мамлакатларнинг халқлари колонизаторларнинг зулми остида қолади, асрлар давомида тўпланган моддий-маънавий бойликлар талон-тарож қилинади, зулм ва зуравонлик қучаяди. Миссионерлар бу юришларни оқлашга жон-жаҳдлари билан ури-нади, аммо Европа жамиятининг илгор қисми, хусусан, иждоқор зиёлилар ўз ватандошларининг бу қилмишларини очик-ойдин қоралайди. Натигада Европа адабиётида ўзига хос публицистик оқим юзага келади — ёзувчилар ўз асарларида босқинчиларнинг зулми остида қолган халқларга хос бўлган эзгу фазилатларни қаламга ола бошлади. Бу оқимнинг фаол вакили бўлган Вольтернинг "Шарқ мавзусидаги драмалари", "Форс мактублари" фикримизга далил бўла олади.

Бу даврнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий талапуллари моҳиятини тўғри аниқлаш ва тўғри хулосага келишда ижтимоий публицистика руҳида ёзилган асарлар муҳим аҳамият касб этади. Буни Фитратнинг "Шарқ сиёсати" рисо-ласида яққол кўриш мумкин. "Африқога кирган мусулмонлар Амриқо ва Африқони босқон маданий овруроплардек ерли халқни битирмак учун тиришма-

дилар, — деб ёзади Фитрат. — Улар-ға маданият бердилар. Амриқога қўноқ бўлиб кирган Овруро маданияли Амриқо ерли халқни битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африқони босиб олган Овруро жаҳонгирлари у ер-даги қора халқни ўлат каби ўлдириб туралар. Холбуки, мусулмонлар Африқонинг Жазоир, Тунис, Фас (Марказий Африка) каби ўринларини ол-ғач, у ерларни тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, улардан буюк одамлар етушдирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, хунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хидмату эътиборлари билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасавури ҳам бизнинг мияларимизга сиг-майду. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Ваҳший эмас эди. Бошқаларнинг ҳақларини олмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди. Биз, шарқликлар башариятга қилган хидматларимиз учун бу кунги қонли Оврурога қарши ахшигина махтана олурмиш. Биз, шарқликлар маданият йўлинда тутдигимиз хидматларда да-вом этганда буюн башарият дунёсини қўб юксак мавқеъларда кўрмак мумкин эди. Негаки, Шарқ билим, хунар йўли-нда Овруро жаҳонгирлари ўртоқ қони(н) ичмак, орқадш уйин таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмақ учун тиришар эди.

Езуқлар, эсизларким, Шарқ ўз йў-линда давом эта олмайди, маданият тарихининг энг буюк ва энг тугал қоид-ларидан бири шудир: бир улус трик-чилигининг ҳар тўртинсидида юксалиб, тараққий қилиб тинчланса, бирор ёқда қучилроқ бирон бири кўринмаса, ўлка-си кенгайиб, оқчаси қўлайса, ул улус-нинг бора-бора ахлоқи бузулар, тотлиги йўлдан чиқа бошлар. Биз, шарқликлар даҳи тинчлик ва роҳат сўнгидида бузу-либ қолдик, йўлдан оздик, эзгу тилак-ларимизни унча бошладик. Билим ва хунардан юз қайтардик, бирлик ва ах-лоқдан айрилдик, оқчага берилдик, оқ-чага сотилдик... Шарқнинг бутун ишла-ри онгсиз беқлар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонлар-нинг қўлига ўтди. Бунлар Шарқнинг бу-тун тузуқ ва интизомини бузуб юборди-лар. Хонлар ўз қоринларини тўйдирмоқ учун халқни бир-бири билан уруштир-дилар, мамлакатнинг жонли ва муҳим ўрунларини сотдилар, муллалар ўз истава-рига "дин" отини тоқиб бозорга чиқардилар. Шарқнинг тараққий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиклар боғланди, саодатнинг энг юксак тепаси-га чиққан Шарқ йўқсулликнинг энг теран чуқурига тушди".

"Шарқ сиёсати"да овруропликлар-нинг Шарққа томон босқинчилиги, талончилик юришлари замиридаги маънавий ахлоқсизлик, инсоний худ-бинлик жуда чуқур очиб берилди, бу юришларни сохта маданий либосга ўраш орқали тарихни қалғитиш ҳара-катлари аёвсиз фош этилади: "Овруро жаҳонгирларининг Шарқ сари юриш-лари бошқаларнинг қонини тўкуб, ўз қурсокларини тўлдурмоқ, ўзгаларнинг уйини ёндириб, ўз қозонларини қай-натмоқ учун эди. Лекин унлар тилак-ларини улусга билдирмас эдилар. "Шарқ халқи ваҳшийдир, уларни мадан-ийлашдурмак учун борармиз", "Шарқ халқи билмиқсиздир, унларга билим тарқатмоқ учун борармиз", "Шарқ хал-қини хоч буйруқларига бўйсундирмак учун борармиз", деб ўз ишчи ва деҳ-қонларини алдаб, бизим устимизга юборур эдилар".

Жаноб Кардинининг "Шарқ сиёсати"-дан хабари борми, "Дорур-роҳат мусул-монлари"ни ўқиганим-йўқми, буни аниқ айтиш қўйин, аммо унинг Шарқ хусусидаги мардо-на эътирофи ҳар жиҳат-дан эҳтиромга лойиқ.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Республикада хизмат кўрсатган журналист



"Янги Ўзбекистон" газетасининг шу йил 8 июнь сонидида эълон қилинган таниқли итальян олимиди, Флоренция университети профессори Франко Кардинининг "Сўз санъатида меҳр қўйган буюк ҳукмдор" сарлавҳали мақоласини ўқиб, кўнглимдан ёқимли фикрлар ўтди.

Муаллиф ҳақида билганларим: Франко Кардини ўрта асрдаги салб юришлари, христианлик ва исломо ўр-тасидида маълум зиддиятлар тўғриси-да кўплаб тадқиқот мақолалар ёзган. Унинг тарих мавзусидаги ҳар бир чи-қиши оддий ўқувчилар билан бирга, мутахассисларда ҳам жиддий қизиқиш уйғотади. Кардинининг фикрича, тар-ихшунослар "ўрта асрлар" деб номла-ган — Рим империясининг қулаши ва Америка қитъасининг кашф этилиши орасидида бу давр ҳақида шу чоққа-ча жилд-жилд тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ҳали-ҳануз кўп сир-синоат-лар очикланмаган. Аникрофи, эътироф этилмаган. Шу маънода, олим ва публицист Кардинининг "Урта асрларни ўрганивчилар учун йўриқнома" асари Ғарб учун ҳам, Шарқ учун ҳам гоят му-ҳим аҳамият касб этган. Эътиборимни тортган нарса — газетида эълон қи-линган мақоланинг кўп жойлари кечик-қан мантқий тазарууга, мардона тан олишга ўхшаб кетади.

Муаллиф ўрта асрлар воқеа-ҳодиса-ларига доир соғлом мантқика ҳамиша ҳам тўғри келавермайдиган тахлил-ларни бутунлай рад этмагани ҳолда, тарихнинг гоят мураккаб бўлаги хусуси-даги мустақил фикрларини бошқа тад-қиқотчилардан фарқли ўлароқ, илмий журъат билан ошқора баён қилади. Баҳс-мунозара тугилишидан, фикри кимларгадир ёқмаслигидан чўчимайди. Шу боис, Италияда "Бобурнома" асари чоп этилиши муносабати билан ёзил-ган "Сўз санъатида меҳр қўйган буюк ҳукмдор" мақоласида буни яққол кўриш мумкин.

Гап шундаки, Ғарб дунёси узоқ вақт Шарқнинг беқиёс илмий салоҳияти, Ғарб тамаддуни ривожига қўшган ҳис-саси, маънавий-ахлоқий қадриятларини ўта паст даражада баҳолаб келди, улардан фавқуллода самарали фой-даланса-да, "шира"сини ҳар қуни, ҳар дақиқада сўриб турган бўлса-да, но-халис йўл тутди. Ғарблик даҳо иждо-корлар биз томонга ҳавас ва муҳаббат билан қараганлари, шогирд мақоми-да даҳо алломаларимиз этакларини тутгани ҳолда, илмий тадқиқотчилар, сиёсатдонлар номақбул нуқтаи назар-ларини узоқ вақт ўзгартирмади. Карди-ни бунга очик, шарқона айтганда, мардларча эътироф этади: "Биз — Ғарб ахли"нинг дунёдаги бошқа халқ-лар маданияти олдидаги қарзимиз, сўз-сиз, ниҳоятда катта: биз ўзгаларнинг юртига бостириб кирганимиз, уларнинг мол-мулкини талон-тарож қилганимиз, ўзимизга бўйсундирганимиз... Бу борада исбот талаб этмайдиған бир ҳақиқатни таъкидлаш керак: бизнинг ўзга халқлар молу давлатини тортиб олишдан ҳам, уларни озодлигидан, ҳаётидан маҳру-м қилишдан ҳам кўра шафқатсизроқ кирдиқорларимиз бўлган. Яъни биздан бошқача фикрлагани, бошқача яшагани


учун ғайри миллат ва элатларни менсимадан, уларга "паст" тоифа деб қараб келганимиз сир эмас... Узга халқлар-нинг илм-фан, санъат, гузаллик бора-сидаги қадриятларини биз ҳеч вақт, ҳатто яқин-яқинларгача ҳам назар-писа-нд қилмаганмиз. Бизни фақатгина уларнинг моддий бойликларини қўлга киритиш қизиқтирарди. Биз ҳатто ўз жи-ноятларимизни тезроқ яшириш ва ўзи-мизни оқлаш учун "тарихи йўқ халқлар" деган сохта тушунчани ўйлаб топдик...

Муаллиф ўрта асрлар воқеа-ҳодисаларига доир соғлом мантқика ҳамиша ҳам тўғри келавермайдиган тахлилларни бутунлай рад этмагани ҳолда, тарихнинг гоят мураккаб бўлаги хусусидаги мустақил фикрларини бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, илмий журъат билан ошқора баён қилади, баҳс-мунозара тугилишидан, фикри кимларгадир ёқмаслигидан чўчимайди. Шу боис, Италияда "Бобурнома" асари чоп этилиши муносабати билан ёзилган "Сўз санъатида меҳр қўйган буюк ҳукмдор" мақоласида буни яққол кўриш мумкин.

Мана энди калаванинг учини йўқотган, биз надомат ила икорор бўляпмизки, агар ўзга халқларнинг ҳаёти ва тафак-кур тарихини ўз вақтида анлаганимизда эди, биз ўзимизни нафақат жиноий қил-мишлар ва суистеъмолчилик иллоти-дан ҳимоя қилган, балки барча тусиқ ва говлар ўз моҳиятини йўқотган бугун-ги замонда (гарчи бир вақтлар содир этган адолатсиз ишларимиз сабабли кўнглимизда нохуш хотиралар қолган бўлса ҳам) улар билан бирга яшаши-мизни осонлаштирган бўлардик".

Бу икорорларни ҳаяжонсиз, айна чоғда, буюк бир ифтихорсиз ўқиб бўл-майди. Айтса, тан олса бўларкан-ку! Тарихнинг тантилиги бор: содир этил-ган ҳеч бир сир, масалан, неча минг йил аввал доно Клеопатра даврида га-нимлар малика ётоқхонасининг олдида деб-бирларининг қўлоқларига нималар деб шивирлашганигача ошқор бўлмай қолмайди.

қайта изоҳлаб, янада ривожлантириб, бутун дунёга тарқатиб, инсоният билимининг астрономия, математика, алгебра, қонуншунослик, тарих, тиб-биёт, фармакология, оптика, зироат, илоҳиёт, мусика каби аксарият соҳаларига ўзининг муҳим ҳиссасини қўшди. Бри-танияда қирол Альфред таом-ларни тўғри тановул қилиш тў-ғрисида ислохотлар ўтказётган бир пайта мусулмон Испанияда китоб-ларни абонемент бўйича олиш йўлга қўйилган кутубхоналар мавжуд эди. Испания мусулмонлари қозғ ишлаб чиқариш маҳоратини Хитойдан тўрт юз йил аввал ўрганиб олганди. Бу-гун ўзидан бениҳоя фахрланаётган Овруронинг кўп хислатлари бевоси-та Испаниядан ўзлаштирилгани сир эмас...



қирларга ариқ ва қувурлар чиқарилиб, сув буйларига минглаб тегиримонлар, фабрикалар, қишлоқ ва шаҳарлар бун-ёд этилди. Саҳролар боғу боғчаларга, тақир қирлар экинлик ва бўстонлик ер-ларига айланди".

Америкалик олим Драбер ўзининг "Европада ақлий тараққиёт тарихи" кит-обисида "Европанинг бугунги улғу зиёси мусулмонлар ёққан шам ва чироклар-нинг ёғдусидан майдонга келгандир",

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746. 43927 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова Мусаҳҳиш: Рашид Хўжамоов Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй